**«QO'YLIQ DEHQON BOZORI» aksiayadorlik jamiyati**
**акциядорларининг навбатдаги Умумий Йиғилиши**
**Б А Ё Н И**

2018 йил 16 май соат 11.00. Тошкент шаҳри.

Акциядорларнинг 2017 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шахар Бектемир тумани Фаргона йули кўчаси, бозор майдони манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2018 йил 16 май куни ўтказилди.

Йиғилишда 930512 овозга эга 28 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 86,46 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш хуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 85,46%га эгалик қилувчи Тошкент шахар хокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шахар хокимлиги бош мутахассиси Турабеков Машраббек Улугбекович қатнашди.

***Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:***
Камолов Т.К. – "Тошбозорсавдо" уюшмаси бўлим бошлиги
Турабеков М.У.- Тошкент шахар хокимлиги бош мутахассиси
Темиров Н.М. – « Qo'yliq dehqon bozori » АЖ директори в.б.

***Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:***
Ким.О.В.

***Йиғилиш саноқ хайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:***
Г.Рузиева, Н.Касимова, Г.Шариббаева.

Йиғилишга Тошкент шахар хокимияти номидан ишончнома асосида "Тошбозорсавдо" уюшмаси бўлими бошлиги Камолов Толмас Каримович раислик қилди.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Жамиятнинг ижроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик хисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш буйича курилаетган чора-тадбирлар тугрисидаги хисоботларини тинглаш.
2. Жамиятнинг 2017 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш.
3. Жамият Тафтиш комиссиясининг ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.
4. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик хисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.
6. Жамиятнинг 2018 йилга мулжалланган «Бизнес-режаси»ни, хамда "Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси"ни тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг директорини сайлаш;
8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.
9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.
10. Эгаси ёки эгасининг қонуний хуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан 3- йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидентларни жамият ихтиёрида қолдириш.
11. Жамиятда утказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини куриб чикиш.
12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига узгартириш киритиш ва кайта тасдиклаш.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:
Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзга чикувчиларга 5 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала юзасидан кузатув кенгашининг раиси А.Ерматовнинг йиллик хисоботи ва жамият директори в.б. Н.Темировнинг 2017 йил якуни бўйича жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботлари тингланди. Ҳисоботда акциядорлик жамияти томонидан 2017 йилда эришилган ютуқ ва камчиликлари келтириб ўтилди, жумладан 2017 йилнинг якуни бўйича ялпи даромад режаси 9 927,3 млн.сўм бўлган, амалда 9 799,6 млн.сўмга ёки режа 98,7%га бажарилгани, мажбурий харажатлар режаси 3 051,2 млн.сўмни ташкил этиб, амалда 3 545,2 млн.сўмга харажат қилинган режага нисбатан 494,0 млн. сўмга кўп харажат килинган.

Давлат бюджетига белгиланган режа 4 637 932,1 минг сум урнига 4 623 498,5 минг сум туланди. Жамият 2017 йил учун бошка харажатлар режаси 145 367,6 минг сум булиб амалда 256 766,3 минг сум харажат килинди.

Жамиятнинг дебитор карзлари 1 147 859,0 минг сумни ташкил этди. Кредитор карзлари 1 801 416,0 минг сумни ташкил этди.

Жамиятнинг 2017 йил соф фойда режаси 1 618 622,8 минг сум булиб амалда 1 128 591,6 минг сумга бажарди.

Берилган саволларга маърузачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича «TRANS-AUDIT-A» МЧЖнинг 2017 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви хулосасини жамият бош хисобчиси Ш.Исломов ўқиб эшиттирди, жумладан, аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, хамда бухгалтерия хисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилигига мувофиқ келиши хақидаги 2018 йил 20 апрелдаги ижобий хулоса берилгани хақида маълумот берди. (аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади).

Раислик килувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси раиси Г.Ниязова Йиғилишда иштирок эга олмаганлиги сабабли, тафтиш комиссияси хулосасини жамият бош хисобчиси Ш.Исломов йиғилганларга ўқиб эшиттирди, жумладан, жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга хамда жамият ташқи аудитори “TRANS-AUDIT-A” МЧЖнинг 2018 йил 20 апрелдаги ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини;
- афилланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузилмаганлигини эътироф этишини маълум қилди. (тафтиш хайъатининг хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош мухосиби Ш.Исломов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2017 йил якуний баланси хақида юзасидан тўлиқ хисобот берди.

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **бешинчи** масала юзасидан жамият бош хисобчиси Ш.Исломов сўзга чиқиб, жамиятда олинган даромадлар ва харажатлар хакида батафсил маълумот берди, хамда жамиятнинг 2017 йил якуни буйича соф фойдаси 1 128 591,6 минг сум эканлигини айтди. Кредиторлик карзлари (картотека-2) 2018 йил 1 январ ҳолатига 1.801.416,3 минг сум эканлиги, 10.05.2018 йил холатига 1 447 326 ,8 минг сумни ташкил килганлиги сабабли жамиятда дивиденд тулаш кобилияти мавжуд эмас. Жамият олган соф фойданинг 5 фоизини захира фондиги яъни 56 429,5 минг сумни, колган 95 фоизини яъни

1 072 162,0 минг сумни жамиятни моддий техника базасини мустахкамлашга йуналтириш таклифини айтди.

Раислик килувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият иктисодчи Д.Джумаев сўзга чиқиб, 2018 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва "Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси" билан йиғилганларни таништирди, «БИЗНЕС РЕЖА»да жамиятнинг 2018 йилда амалга ошириладиган ишлари, жамиятнинг молиявий нуфузини янада ошириш ва йил якуни бўйича дивидендлар салохиятини ошириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва қўшимча даромадлар манбаини ташкил этиш йулларини ахтариш кўрсатилганини билдирди, ("Бизнес-режа", "Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси" тўлалигича илова қилинади).

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича йиғилиш раиси сўзга чикиб, 2018 йил 25 апрел куни ўтказилган жамият кузатув кенгашининг йигилишида жамият ижроия органи рахбари (директор) лавозимига танлов эълон қилиш, ушбу ҳақда тегишли ташкилотларга маълумотлар тарқатиб, эълонни жойлаштириш чораларини кўриш, танлов муддатларини белгилаб, танлов ҳайъати аъзоларининг таркиби тасдиқдан ўтганлигини таъкидлаб, бугунги йиғилишга танлов хайъати аъзолари томонидан тайёрланган Хулоса билан йигилиш аъзоларини таништирди.

Мажлис раиси уз сузида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўгрисида"ги 4720-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда 2016 йилда ўтказилган акциядорлар умумий йигилиши қарори билан жамият уставига "жамият ижроия органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, коида тарикасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади" деган банд киритилганлиги инобатга олиниб, жамият ижро этувчи орган рахбари лавозимига муносиб кадр танлаш мақсадида танлов ўтказилиб, ижро этувчи орган рахбари лавозимига нисбатан қўйилган малака талаблари кўрсатилган ҳолда жамиятнинг веб сайтига эълон жойлаштирилганлиги, матбуотга эълон берилганлиги, корпоратив ахборот ягона портали (openininfo.uz) эълон жойлаштирилганлиги, ва махсус ташкил этилган сайтга (www.soejobs.gkk.uz) жойлаштириб беришни сўраб, Давлат активларини бошқариш марказига хат ва эълон матни электрон кўринишда берилиб, эълон жойлаштирилганини билдирди.

Мажлис раис жамият томонидан берилган маълумотга кура танлов 2018 йил 26 апрелдан – 2018 йил 10 май кунига қадар давом этганлигини ва шу муддат ичида битта номзоддан таклиф тушганлигини айтиб ўтди:

1. Темиров Нарзулла Муйдинович - жамият директори вазифасини бажарувчи

Мазкур масала буйича акциядорлардан саволалр булмаса уз бюллетенларига овозларини кайд этишлари суралди.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи** масалага ўтиб, 2018 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик килувчи кун тартибидаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўнинчи** масала бўйича жамият кимматли қоғозлар бўйича мутахасиси О.Ким сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги" қонунининг 6-боб 51- моддасига асосан эгаси ёки эгасининг қонуний хуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан 3- йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидентларни жамият ихтиёрида қолдирилиши белгиланганлигини инобатга олиб, жамиятда йиллар давомида йиғилиб қолган эгаси ёки эгасининг қонуний хуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан 3- йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидентлар суммаси (5 486,6 минг сўм)ни жамият ихтиёрида қолдиришни таклиф этди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўн биринчи** масала бўйича жамиятнинг кимматли когозлар буйича мутахассиси О.Ким сўзга чиқиб, жамиятда утказилган Корпоратив бошкарув тизимини бахолаш натижалари билан таништириб утди. Жамият 2017 йил якунлари буйича утказилган корпоратив бошкаруви натижалари буйича "FTF-LEA-AUDIT" аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиб бахоланганлиги, хулоса натижаларига кура "Куйлик дехкон бозори" АЖ -70 балл йиғиб, унга "қониқарли" баҳо берилганлигини айтиб ўтди ва йиғилиш қатнашчиларини хулоса билан таништирди. (аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўн иккинчи** масала бўйича жамиятнинг кадрлар буйича менеджер Г.Рузиева сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритиладиган ўзгартиришлар билан таништирди.

(Жамиятнинг ўзгартириш киритилган ташкилий тузилмаси илова қилинади)

Раислик килувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Саноқ хайъати мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

| | | |
|---|---|---|
| **1-масала**<br>**Ёқлаган 930512** – 100%<br>Бетараф 0 – 0,0%<br>Қарши 0 – 0,0% | **2-масала**<br>**Ёқлаган 930512** – 100%<br>Бетараф 0 – 0,0%<br>Қарши 0 – 0,0% | **3-масала**<br>**Ёқлаган 930512** – 100%<br>Бетараф 0 – 0,0%<br>Қарши 0 – 0,0% |
| **4-масала**<br>**Ёқлаган 930512** – 100%<br>Бетараф 0 – 0,0%<br>Қарши 0 – 0,0% | **5-масала**<br>**Ёқлаган 930512** – 100%<br>Бетараф 0 – 0,0%<br>Қарши 0 – 0,0% | **6-масала**<br>**Ёқлаган 930512**– 100%<br>Бетараф 0 – 0,0%<br>Қарши 0 – 0,0% |
| **7-масала**<br>**Ёқлаган 930512**– 100%<br>Бетараф 0 – 0,0%<br>Қарши 0 – 0,0% | **9-масала**<br>**Ёқлаган 930512** – 100%<br>Бетараф 0 – 0,0%<br>Қарши 0 – 0,0% | **10-масала**<br>**Ёқлаган 930512** – 100%<br>Бетараф 0 – 0,0%<br>Қарши 0 – 0,0% |
| **8-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)**<br>1. Латипов Жамшид Маратович - 930512 та овоз<br>2. Кодиров Мўмин Тўлаганович - 930512 та овоз<br>3. Тўрабеков Машраббек Улуғбекович - 930512 та овоз<br>4. Алимов Иномжон Саидкулович - 930512 та овоз<br>5. Каримов Малик Рахимович - 930512 та овоз<br>6. Комолов Толмас Каримович - 930512 та овоз<br>7. Иброхимов Тулкин Собитович - 930512 та овоз | | |

| 11-масала | 12-масала | |
|---|---|---|
| **Ёқлаган 930512** – 100%<br>Бетараф 0 – 0,0%<br>Қарши 0 – 0,0% | **Ёқлаган 930512** – 100%<br>Бетараф 0 – 0,0%<br>Қарши 0 – 0,0% | |

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Саноқ хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

## КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. « Qo’yliq dehqon bozori » АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик хисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўгрисидаги хисоботлари тасдиқлансин. (ёқлаган 930512 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

2. Жамиятнинг 2017 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текширувигв мувофиқ ижобий аудиторлик хулосаси инобатга олинсин. (ёқлаган 930512 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф –йўқ).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг хулосаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 930512 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

4. Жамиятнинг 2017 йил фаолияти якуни бўйича йиллик хисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 930512 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

5. Жамиятнинг 2017 йил якуни буйича олган 1 128 591,6 минг сум соф фойдаси жамиятнинг кредиторлик карзлари (картотека-2) 2018 йил 1 январ ҳолатига 2 317 928,7 минг сум, 2018 йил 10 май холатига 1 447 326 ,8 минг сумни ташкил килганлиги сабабли жамиятда дивиденд тулаш кобилияти мавжуд эмаслигини инобатга олиб, соф фойданинг 5 фоизини яъни 56 429,5 минг сумни захира жамгармасига, колган 95 фоизини яъни 1 072 162,0 минг сумни жамиятни моддий техника базасини мустахкамлашга йуналтириш тасдиклансин (ёқлаган 930512 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

6. Жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си хамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. (ёқлаган 930512 та овоз – 100%, қарши– йўқ, бетараф – йўқ).

7. Жамият директори этиб Темиров Нарзулла Муйдинович сайлансин.

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

8.1. Латипов Жамшид Маратович - 930512 та овоз
8.2. Кодиров Мўмин Тўлаганович - 930512 та овоз
8.3. Тўрабеков Машраббек Улуғбекович - 930512 та овоз
8.4. Алимов Иномжон Саидкулович - 930512 та овоз
8.5. Каримов Малик Рахимович - 930512 та овоз
8.6. Комолов Толмас Каримович - 930512 та овоз
8.7. Иброхимов Тулкин Собитович - 930512 та овоз

9. Жамият Тафтиш комиссиясига Эргашев Карам Кодирович, Азизов Азизбек Равшанович, Гонтаренко Лариса Васильевналар сайлансин. (ёқлаган 930512 та овоз – 100%, қарши– йўқ, бетараф – йўқ).

10. Эгаси ёки эгасининг қонуний хуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан 3- йил ичида талаб қилиб олинмаган 5 486,6 минг сўмлик дивидентлар суммаси жамият ихтиёрида қолдирилсин. (ёқлаган 930512 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

11. Корпоратив бощкарув тизимини бахолаш натижалари кабул килинсин ва жамият кузатув кенгаши хамда ижроия органига аникланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин (ёқлаган 930512 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

12. Жамиятнинг “Ташкилий тузилмаси”га ўзгаришлар киритилсин ва иловага мувофиқ қайта тасдиқлансин. (ёқлаган 930512 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

Баённома имзоланган сана: «24» май 2018 йил.

**Йиғилиш раиси** **Т.Камолов**

**Котиб** **О.Ким**